

"Қатағон қурбонлари хотираси" музейига ташриф

2021 йил 13 февраль куни "Гидромелиоратив ишларни механизациялаш" факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари О. Рўзибаев ҳамда факультетнинг 1-курс талабалари "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига ташриф буоришиди. "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган юртдошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бу ерда аждодлари хотирасини ёд этишга келганлар, айниқса, ёшлар бугунги тинч ва осойишта, тўкин ва фаровон ҳаётга қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машақкатлар эвазига эришганимизни англайди, тинчликнинг, мустақилликнинг нақадар буюк неъмат эканини теранроқ ҳис этади.



Бугунги озод ва обод кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган аждодларимизнинг хотирасини ёд этар эканмиз, истиқлол туфайли юртимизда тарихий адолат қарор топганига, халқимиз ўтмишдан сабоқ чиқариб, буюк келажак сари дадил интилаётганига, бунда табаррук қадамжолар катта тарбиявий аҳамиятга эга эканига яна бир бор амин бўламиз.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати